



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI  
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI



CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy. Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
ishonch tel.: 1159, www.consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz e-xal: consumer@exat.uz

001129

“dt” 01 2020 y. № 01-06/263.

**Оммавий ахборот воситалари,  
Телеграм каналларига,  
Ташқи реклама объекти  
(конструкция)лари эгалари-  
Реклама агентликларига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармонида мувофиқ ташкил қилинган Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги (Агентлик) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Агентлик томонидан ҳар хил турдаги воситаларда жойлаштирилаётган рекламалар таҳлил қилиб борилмоқда.

Мазкур таҳлилларда, театр-концерт тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги жойлаштирилаётган (тарқатилаётган) ташқи рекламаларда фонограммадан фойдаланиш ҳақидаги ахборот жойлаштирилмаётганлиги, ваҳоланки ушбу оммавий тадбирлар фонограмма орқали амалга оширилиши маълум бўлмоқда.

“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Шу билан бирга “Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисида маълумотни тақдим этиш қоидалари” (Адлия вазирлиги томонидан 16.11.2002 йилда 1188-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)нинг 3-5 бандларига мувофиқ, агар тадбирда фонограмма ишлатилса, унинг рекламаларида “фонограмма орқали ижро этилади” деган сўзлари ва улар (сўзлар) рекламада горизонтал тарзда, аниқ кўринган ҳолда, рекламанинг умумий ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган даражада бўлиши керак.

Юқоридагиларга кўра, театр-концерт тадбирлари рекламаларини жойлаштиришда амалдаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишингиз сўралади.

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишини эслатиб ўтамыз.

Директор

Э.Хаитметов